



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Мехринисо Алимжонова

*Фарғона давлат университети тадқиқотчиси*

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО  
МУЛОҚОТГА ТАЪСИРИ ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

## Annotatsiya

Мазкур мақолада глобаллашув шароитида маданиятлараро мулоқотнинг ижтимоий зарурага айланиши ва бу жараёнда мулоқотга киришувчиларнинг толерант ва объектив муносабатларни ўрнатишига доир илмий-педагогик асосларни кўриб чиқиш зарурати тадқиқ этилган. Бунинг учун эса, маданиятлараро мулоқот тушунчасининг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланиши ва уни тадқиқ этган олимлар томонидан келтирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил этиш керак бўлади.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, интеграция, идеал, маданиятлар кесишуви, этноконфессиал.

Бугунги кунда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнининг жадаллашуви натижасида маданий мулоқот имконияти ортиб бормоқда. Бунинг ортидан маданиятлараро муносабатлар билан боғлиқ ижтимоий муаммолар ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакталарда маданиятларро муносабатлар билан боғлиқ инқирознинг юзага келиши, оммавий маданиятнинг таъсири ва бошқа маданий мулоқот тилининг мураккаблашиб бориши кузатилмоқда. Бу эса маданиятлараро мулоқот кўникумларини шакллантиришни долзарб вазифалардан бирига айлантирмоқда. Шу боис олий таълим тизимида талаба-ёшларда маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантириш орқали мазкур муаммоларни бартараф қилиш вазифалари устуворлик қилмоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда глобаллашув жараёнлари ижобий жиҳатлари энг илфор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ҳамда одамлар хаёти учун



зарур ахборотни йиғиши ва тақсимлаш, маданиятларнинг бир бирига таъсири уларни мазмунан бойитишга, маданиятлараро мулоқотни самарали ташкил этишга, миллий дастурларни халқаро мезонлар асосида амалга ошириш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Булар, ўз навбатида, мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон иктисодиёти тизимиға интеграциялашуви жараёнларини фаоллашувига хизмат қилмоқда.

Глобаллашувнинг салбий жиҳатлари асосида миллий маданиятлар ва қадриятларнинг емирилиши, инсонларнинг миллий идеалларини ўзгариши, ёшлар тарбияси билан боғлиқ салбий ҳолатлар, анъанавий жамиятларда яшаётган аҳоли ўртасида, хусусан кўп миллатли таркибга эга аҳоли ўртасида миллий, диний, ғоявий негизда қарама-қаршиликларни юзага келмоқда. Зеро, «...ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларида маданиятлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал груп ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда, - деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев, - ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда[1]». Шу боис, ҳар бир мамлакат ўзининг ички сиёсатида жамият аъзоларида маданиятлараро мулоқот кўнилмаларини шакллантириш борасидаги тарғибот ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамияттимизнинг янги ривожланиш босқичида мамлакатимизда маданиятлараро мулоқот компетентлигини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, таълим жараённида ўқувчи-ёшлар ва талабаларда маданиятлараро мулоқот кўнилмаларини ривожлантиришга доир инновацион ёндашувларга эҳтиёж сезилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларда маданиятлараро мулоқот компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари ва таълим методикасини такомиллаштириш долзарб вазифаларадан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда глобаллашувнинг ғоят ўткир кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал товарлар замонавий камуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли маданиятларининг умуминсоний негизда уйғунлашуви цивилизациялараро мулоқотининг янгича сифат касб этиши ва булар борасидаги имконитларнинг ортиши - табийки, буларнинг барчаси глобаллашув таъсирининг натижасидир.

“Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси биринчи марта 1954-йилда Г.Трагер ва Э. Ҳаллнинг “Маданият ва коммуникация. Таҳлил модели” номли асарида илмий муомалага киритилган. Мазкур асарда “маданиятлараро мулоқот” инсоннинг ўз истаклари йўлида интилиши лозим бўлган идеал максади, уни ўраб турган ташки дунёга яхшироқ ва самаралироқ мослашиши сифатида талқин қилинди[2]. Шунингдек, асарда маданият ва коммуникацияни ўрганишнинг янги усуслари ишлаб чиқилди. Шу тариқа маданиятлараро мулоқот йўналиши шакллантирилди ва у ҳозирги кунда тадқиқотчилар томонидан назарий жиҳатдан етарли даражада ривожлантириб келинмоқда.

Маданиятлараро мулоқот – «турли маданият вакиллари орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот бўлиб, унда кишилар ўртасидаги билвосита алоқа, шунингдек,



коммуникациянинг билвосита шакли (тил, нутқ, ёзув, электрон мулоқот) назарда тутилади»[3]. Баъзан маданиятлараро мулоқот “маданиятлар кесишуви” (“кросс-культурал)ни ҳам ифодалайди. Демак, маданиятлараро мулоқот турли коммуникация воситалари асосида мулоқот ва муносабаталарга асосланади. Бу муносабатлар ҳамкорлик, кураш ёки тўқнашув вазиятида бўлади. Чунки, ҳеч бир маданият дунёдан мутлақо узилган шаклда ривожлана олмайди. Бугунги кунда дунёning жуда чека жойларида маданий муносабатларга киришмайдиган ва айро яшайдиган халқлар бўлсада, ривожланишини ихтиёр қилган маданиятлар албатта маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиши, муносабатларини тартибга солиши талаб этилади.

Маданиятлараро мулоқот маданият фарқлари кўриниб турган индивидлар ва гурухлар орасидаги рамзий ўзаро муносабат жараёнига асосланади. Ушбу фарқларнинг қабул қилиниши ва уларга муносабат билдирилиши мулоқотнинг кўриниши, шакли ва натижасига таъсир кўрсатади[4]. Маданиятлараро мулоқот жараёнига маданият фарқлари билан бирга, мулоқотчиларнинг ёши, жинси, касби, ва ижтимоий мақоми, шунингдек, унинг сабр-бардоши, улдабуронлиги ва шахсий тажрибаси ҳам таъсир кўрсатади.


Глобаллашув жараёни энг илфор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ва бошқа, одамлар ҳаёт-фаолияти учун зарур бўлган ахборотни жамлаш ва тақсимлаш, мисли кўрилмаган меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Бу эса ўз навбатида турли мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон ижтимоий ҳаёти тизимиға интеграциялашуви жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Бироқ глобаллашув кишилик тамаддуни тараққийсининг табиий меваси эканлиги ва уларнинг ижобий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда ҳозирги дунёда бир қатор ихтилоф ва зиддиятларни келтириб чиқараётган жиҳатларини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди.

Айниқса, глобаллашув шароити ва ахборотлашган жамиятнинг ривожланиши маданиятлараро мулоқот имконияти ва тезкорлигини жадаллаштириди, масофанинг аҳамиятини йўқка чиқарди. Бу эса, маданиятлараро мулоқот жараёнининг кенгайиб бориши ва унинг салбий жиҳатларини ҳам намоён бўлишини келтириб чиқарди. Бунга сабаб, «бугунги кунда ҳар қандай халқ ўзга маданият тажрибасини қабул қилишга ва ўз маданияти маҳсулини бошқа халқлар билан бўлишишга тайёрлиги табиийдир. Бошқа халқлар маданиятига бўлган бундай муносабат “маданиятлараро мулоқот” ёки “маданиятларнинг ўзаро алоқаси” деб номланади»[5]. Маданиятлар ўртасидаги алоқа маданият ва субмаданият шаклида намоён бўлади. Бугунги шароитда маданият алоқалар инсон ҳаётининг турли соҳаларидан – туризм, спорт, шахсий алоқалар ва таълимнинг глобаллашуви натижасида талabalар алмашинуви натижасида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, «кейинги йилларда дунёда юз берган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар халқларнинг катта миқёсдаги миграциясига, кўчишига ва уларнинг аралашувига олиб келди. Ушбу жараёнлар натижасида аксарият кишилар илгари уларни ажратиб турган маданий тўсикларни енгиб бормоқда. Улар ўзга маданиятлар билан танишишга, улар билан аралашиб кетишишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун маданиятларнинг ўзаро алоқаси алоҳида кишилар орасидаги муносабатлар орқали амалга ошмоқда»[6]. Демак, маданий мулоқот ўрнатишга доир турли тщсиыларни ечилиши ва глобал муносабатлар



маконининг юзага келиши билан мазкур жараённинг салбий жиҳатлари, маданий ўзгаришларни юзага келтирувчи омиллари ва маданиятлараро тўқннашувларни келтириб чиқришга доир томонлари намоён бўлмоқда. Бу шароитда инсониятда маданиятларра мулоқот маданиятини ривожлантириш ва алоқа ўрнатиш кўнижмаларини ривожлантириш масалалари устуворлик касб этмоқда.

Маданиятлар ўзаро таъсирининг турли даражалари фарқланади. Ўзаро таъсирнинг этник даражаси маҳаллий халқлар, тарихий-этнографик, этноконфессиал ва бошқа ҳамжамиятлар ўртасидаги муносабатларга хосдир. Ўзаро таъсирнинг миллий даражасида бошқарув вазифалари кўпроқ давлатнинг сиёсий структуралари томонидан бажарилади. Ўзаро таъсирнинг цивилизация даражаси ўз-ўзидан юз берадиган тарихий шаклларга эга бўлади; бироқ мазкур даражада илгари бўлгани каби ҳозирда ҳам маънавий, бадиий ва илмий ютуқларни алмашиш натижалари кўпроқ аҳамият касб этади[7]. Дунё мамлакатлари ва халқларининг кундалик мулоқот амалиётида кўпинча ҳар уччала даражага ҳам хос бўлган жараёнлар ва муносабатларнинг кесишиши кузатилади. Маданиятлараро алоқаларда, айниқса, кўпмиллатли давлатлар ичида бир пайтнинг ўзида этник таркибни бошқарадиган маъмурий-давлат шаклларига эга бўлган ва бундай шаклларга эга бўлмаган катта ва майда миллатлар иштирок этади. Бунда сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган ва маданий жиҳатдан шаклланган халқлар майда миллатларга нисбатан ўзаро алоқа жараёнига кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Шунга кўра, тадқиқотчилар донор-маданият (кўпроқ бериб, камроқ оладиган) ва ретсириент-маданият (асосан қабул қиласиган маданият)га ажратишади[8]. Тарихий давларнинг муайян босқичида мазкур роллар ўзгариши мумкин.



### 1.-жадвал. Таълимнинг глобаллашуви шароитида талабаларда маданиятлараро мулоқотга тайёрлашда талабаларга юлатилган вазифалар



Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда маданиятларапро мулоқотга доир муаллиқлик тарифини илгари сурилди. Унга кўра, маданиятлараро мулоқот - муайян маданият ва тил соҳибларининг ўзга маданият ва тил вакиллари билан нутқли ва нутқсиз мулоқот воситасидаги ўзаро алоқа жараёнидир. Бу жараёнда мулоқотга киришувчиларнинг ўз қадриятлари, нормалари ва қоидалари мавжуд бўлади. Зеро, «глобаллашувнинг иқтисодиёт ва молиявий ҳаётдан бошлаб, бугунги кунда инсонлар ва миллатларнинг кенг маънодаги маънавий ҳаётга ўтказаётган таъсирининг кучайиши жаҳон миқёсидаги мавжуд бўлган глобал муаммолар сонини яна биттага ошганини билдиради. Бунинг энг хатарли томони шундаки, унинг миллий маънавий ҳаётга ўтказаётган таъсиридан биронта миллат қўтилиб олиши мумкин бўлмаяпти. Боз устига, унинг таъсири остида ривожланган мамлакатлар билан энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётдаги тафовутларнинг кучайиши таъсири миллий маънавий ҳаётда ўз ифодасини топиш жараёнлари ҳам содир бўлмоқда. Бундай шароитда истиқболда миллатлар ўзига хослигидан маҳрум бўлсалар содир бўлиши мумкин? Ҳеч бўлмаганда унинг оммавий маданиятнинг шаклланишига ўтказаётган таъсирига қарши туро оладиган қудратли омил ни вужудга келтириш мумкинми?»[9]. Демак, маданиятлар ўртасидаги муносабатлар мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётидаги тафовутларнинг кучайиб бориши ортидан янада мураккаблашиб бормоқда. Бу эса маданиятлар экспортини ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиш муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Хулоса қилиб айтганда маданият инсон фаолиятининг ички мазмунини ташкил этади. Шу нуқтаи-назардан қараганда инсон фаолиятининг асосий маъно-мазмуни ўзининг эркин ижодкор шахс сифатида рўёбга чиқариш, заррама-зарра тўплаб инсонийлик дунёсини яратиш ва шу асосда оламни ҳам инсонийлаштиришдан иборат. Шундай экан, истеъмолчилик кайфиятининг ўзагини ташкил этган “оммавий маданият” ҳақиқий маданиятнинг моҳиятига зид ва ётдир. У инсонни маънан мажруҳ этадиган, унинг маънавий дунёсини бузадиган, охир-оқибат жон саклашдан ўзга мақсади бўлмаган бир маҳлук даражасига тушуриб қўядиган, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам бундай маданиятни “оломон маданияти” дейиш мумкин.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи. 24.01.2017. Интернет манба: <http://www.prezident.uz>
2. Усмонова Ш. Рихсиева Г. Маданиятлараро мулоқот. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТошДШИ. 2017. –Б. 12.
3. Усмонова Ш. Рихсиева Г. Маданиятлараро мулоқот. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТошДШИ. 2017. –Б. 8.
4. Усмонова Ш. Рихсиева Г. Маданиятлараро мулоқот. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТошДШИ. 2017. –Б. 8.
5. <http://www.grandars.ru/college/sociologiya/mezhkulturnaya-kommunikaciya.html>
6. Усмонова Ш. Рихсиева Г. Маданиятлараро мулоқот. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТошДШИ. 2017. –Б. 8.



7. Фалькова Е.Г. Межкультурная коммуникация в основных понятиях и определениях. Методическое пособие. СПб.: Ф-т филологии и искусств СПбГУ, 2007. –С. 7.
8. Усмонова Ш. Рихсиева Г. Маданиятлараро мулокот. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТошДШИ. 2017. –Б. 8.
9. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий ъаҳлил). –Тошкент.: Янги аср авлоди. 2008. –Б. 138.